

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Э.Шавқиев, З.С.Артиков, У.Н.Нормуродов

**5230100 Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият
таълим йўналиши талабалари учун**

«КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ»

фанидан курс ишларини бажариш бўйича

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА



Самарқанд – 2014

Э.Шавқиев, З.С.Артиков, У.Н.Нормуродов. “Корхона иқтисодиёти” фанидан курс ишларини бажариш бўйича услубий кўрсатма. - Самарқанд, СамИСИ, 2014 йил, – 24 бет.

“Корхона иқтисодиёти” фанидан курс ишларини бажариш бўйича услубий кўрсатма – фаннинг ишчи ўқув режаси ва ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди

Такризчилар:

Мирзаев Қ.Ж	СамИСИ “Менежмент ва статистика” кафедраси профессори в.б., и.ф.д.
Қувондиқов Ш.О.	СамДУ “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти в.б., и.ф.н.

СамИСИ “Иқтисодиёт” кафедраси 2014 йил 5 сентябрь 2-сонли баённомаси билан услубий кўрсатмани чоп этиш масаласи маъқулланган ва ушбу масалани кўриб чиқиш институт ўқув-услубий кенгашидан сўралган.

СамИСИ ўқув-услубий кенгашининг 2014 йил 26 сентябрь 2-сонли баённомаси билан нашриётда чоп этишга тавсия қилинган.

© **Э.Шавқиев, З.С.Артиков, У.Н.Нормуродов.** - Самарқанд, СамИСИ, 2014.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
1. Курс ишини бажаришнинг мақсади ва вазифалари.....	5
2. Курс ишига қўйиладиган умумий талаблар.....	5
3. Курс иши мавзусини танлаш.....	7
4. Курс ишларининг айрим мавзулари бўйича тавсия этилаётган намунавий режалар.....	13
5. Курс ишини бажаришга раҳбарлик қилиш.....	14
6. Курс ишининг бажарилишига қўйилган талаблар.....	15
7. Курс ишини расмийлаштиришга қўйилган талаблар.....	16
8. Курс иши ҳимояси.....	19
Иловалар	21

КИРИШ

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг давомли модернизациялаштириб борилиши тадбиркорликни рағбатлантиришга, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ва иқтисодиётимизнинг тадрижий юксалиб боришига шароит яратиб бермоқда. Бироқ, бу соҳада ҳуқуқий ва ижтимоий муаммолар ҳамон мавжуд бўлиб, миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш борасида фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсатини узлуксиз давом эттириш давр талаби бўлиб қолмоқда.

“Корхона иқтисодиёти” фани — иқтисодиётнинг назарий ва амалий томонларини ўрганиш билан бирга, саноат соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришда вужудга келадиган иқтисодий муаммоларни таҳлил қилиш ва ечимини топиш, уларни узвий боғлиқликда ўрганиш ва тегишли хулосалар қилишда муҳим аҳамият касб этади.

“Корхона иқтисодиёти” фани ихтисослик фани ҳисобланиб, у саноат соҳасидаги турли мулкчиликка асосланган корхоналарнинг хўжалик юритиш фаолиятини бошқариш, режалаштириш ва таҳлил этиш, улар тасарруфидаги моддий, молиявий ва меҳнат ресурслардан самарали фойдаланиш, шунингдек, улар фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликларни баҳолаш ва иқтисодий хавфсизиликларини таъминлаш йўлларининг назарий ва амалий томонларини ўргатади.

Шу сабабдан ҳам “Корхона иқтисодиёти” фанидан ёзилаётган курс иши назарий ҳамда амалий хусусиятга эга. Ишда, талаба амалдаги меъёрий ҳужжатларга ва иқтисодий адабиётларга таяниб, мустақил мавзунинг моҳияти ва мазмунини очиб беришда ўз билимини кўрсатади.

“Корхона иқтисодиёти” фанидан курс иши услубий кўрсатмасининг мақсади — талабаларга барча иқтисодий масалалар ечимини топиш, келажакда иқтисодий билим олиш учун ўзига хос пойдевор бўлиб хизмат қилувчи замонавий корхоналар иқтисодиёти асосларини ўрганишга кўмаклашишдир.

I. КУРС ИШИНИ БАЖАРИШНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Курс ишини бажаришдан мақсад:

- талабалар томонидан ўтилган назарий материалларни мустаҳкамлаш ва уларни илмий нуқтаи-назардан ёритиб беришни ҳамда амалиётга тадбиқ қила олишга ўргатиш;
- талабаларда муаммолар қўйиш ва уларни ечиш қобилиятини ривожлантириш;
- талабаларни илмий ва амалий фаолиятда адабиётлар, амалий маълумотлар ва бошқа материаллардан фойдаланишга ўргатиш;
- фанни чуқур ўрганишга эришиш, илмий изланишга ҳавас уйғотиш;
- талабаларда муаммоларни ўрганишга ижодий ёндашиш, дастлабки илмий изланиш куртакларини ҳосил қилиш.

Курс ишининг вазифалари:

- талабаларни адабиётлар билан ишлаш, маълумотлар тўплаш, уларни жадвал ва диаграммаларда тасвирлаш, хулоса чиқариш ва ўрганилган масала юзасидан ўз фикрларини баён қилишга ўргатиш;
- талабаларда индуктив ва дедуктив услубларни қўллаб, алоҳида ҳодиса ва воқеалар асосида умумий хулоса чиқариш қобилиятини шакллантириш;
- талабаларни танланган мавзунинг илмий-амалий муаммоларини ёритиб бериш ва уларни ечиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга ўргатиш.

II. КУРС ИШИГА ҚЎЙИЛАДИГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

Талабалар курс ишини бажаришларида курс ишига қўйиладиган талабларга алоҳида эътибор қаратишлари керак.

1. “Корхона иқтисодиёти” фанидан курс ишини ёзиш танлаган мавзуга оид махсус ва ёрдамчи адабиётлар билан танишишдан бошланиши лозим.

Талаба танлаган мавзуни илмий таҳлил қилиб ва мантиқан асослаб, курс ишида режалаштирилган саволларнинг мазмунини тўлиқроқ очиб бериш керак. Шунингдек, ишда ҳар хил илмий қарашларнинг мавжудлигини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

2. Дарсликлар, ўқув қўлланмалар, маъруза матнлари ва махсус иқтисодий адабиётларда у ёки бу иқтисодий категорияларнинг моҳиятига ва улар бажарадиган функцияларига, тизимига турлича ёндошишлар мавжуд. Бундай шароитда талабалар ҳар қандай илмий ғояни талқин қилиш ва хулосалар чиқариш ҳуқуқига эга. Бироқ, талаба у ёки бу масалада билдирган фикри (нуқтаи назари)ни далиллар билан асослаб бериши лозим.

3. Талабаларнинг курс иши мавзуларини танлаш ихтиёрийдир, аммо, бир хил мавзудаги курс ишини икки талаба олиши рағбатлантирилмайди.

4. Курс иши режаси таркиби – кириш, асосий қисм (ёритилиши керак бўлган масалалар), хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ҳамда иловалардан иборат бўлади. Унинг барча қисмлари бири-бири билан ўзаро боғланган ва иш мавзусини очиб беришга хизмат қилиши лозим.

Иш режасида тадқиқ қилинадиган муаммолар доирасини ва манбаларини аниқ белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир.

5. Курс ишининг мавзусини ёритишда фақат дарсликлар доирасида эмас, балки мавзуга оид монографиялар, илмий тўпламлар ва журналларда чоп этилган мақолалардан фойдаланилади.

6. Курс ишида илмий изланиш элементлари, назарий қоидалар тажрибалар билан ёритилади.

7. Иш матни мустақил ёзилади. Талаба курс иши ёзишда ўрганаётган адабиётлардан тўғридан-тўғри кўчирмай, аввал ўқиб чиқиб, тушуниб, бошқалари билан таққослаб, сўнгра ўзининг фикрини баён қилмоғи лозим.

8. Курс ишининг ҳажми 25-30 бетга (компьютерда, стандарт ёзув қоғози бўйича) мўлжалланади.

9. Курс иши белгиланган муддатдан кечиктирилмасдан кафедрага топширилиши шарт.

10. Курс ишларини ҳимоя қилиш, кафедра йиғилиши баённомаси билан тасдиқланган хайъат аъзолари ҳузурида амалга оширилади.

III. КУРС ИШИ МАВЗУСИНИ ТАНЛАШ

Ишнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан мавзуни ижодий ишлаб чиқиш ва танлаб олишга боғлиқдир. Курс иши мавзуси талаба томонидан (ўз илмий ва амалий қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда) танланади. Бу талабанинг мавзуни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, ўз қобилиятини – фанни ўзлаштиришдаги ҳаракатини, интилишини ифодалаш имконини беради.

Талаба курс иши учун мавзу танлаб бўлгач, уни бажаришга рухсат беришни сўраб кафедра мудирини номига ариза ёзади (1-иловага қаралсин). Аризада курс иши мавзуси аниқ номланиши шарт.

Кафедра талаба аризасини кўриб чиқади ва курс иши мавзусини талабага бириктириш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда илмий раҳбарни тайинлайди.

“Иқтисодиёт” таълим йўналиши 3 курс талабаларига “Корхона иқтисодиёти” фанидан тавсия этилган курс ишлари мавзулари рўйхати

1	Саноат корхоналарининг самарали ривожланишида таркибий ўзгаришларнинг аҳамияти.
2	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналари ишлаб чиқариш тузилмасини такомиллаштириш йўллари.
3	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари
4	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат ишлаб чиқариши соҳасида хусусий тадбиркорликни ривожланиш истиқболлари
5	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда электроэнергетика тармоғини ривожлантириш йўллари
6	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда автомобиль саноати фаолиятини такомиллаштириш йўллари
7	Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш

	шароитида масъулияти чекланган жамиятларда ташкилий-бошқарувни такомиллаштириш.
8	Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш шароитида акциядорлик жамиятларида ташкилий-бошқарувни такомиллаштириш..
9	Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш шароитида давлат корхоналарида бошқарув хусусиятлари.
10	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни техник - технологик янгилаш самарадорлиги
11	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарда янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўналтирилган бизнес-режаси самарадорлиги.
12	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхонани техникавий қуроллантиришнинг самарадорлиги.
13	Саноат корхоналари рақобатбардошлигини таъминлашда бизнес-режалаштиришни такомиллаштиришнинг имкониятлари.
14	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқаришда хусусий хўжаликни ривожлантириш имкониятлари.
15	Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида корхонада маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш йўллари.
16	Рақобатдошлик шароитида саноат корхоналарида ҳалқаро стандартларга мувофиқ маҳсулот сифатини ошириш йўналишлари.
17	Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида корхонада маркетинг ва сотиш фаолиятини самарали ташкил этиш йўналишлари.
18	Саноат корхоналари иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлашда ресурс тежамкорлиги ва уни амалга ошириш йўналишлари.
19	Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг материал сифимини камайтириш йўллари.
20	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхонанинг моддий ресурсларини нормалаштириш.
21	Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини комплекс баҳолаш.
22	Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш йўллари.
23	Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш шароитида корхонани бошқаришнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш йўллари.
24	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш самарадорлиги.
25	Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида саноат корхоналарида ресурслар тежамкорлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари
26	Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари.

27	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида енгил саноат тармоғини иқтисодий ривожлантириш истикболлари.
28	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат тармоқларида кичик бизнеснинг самарадорлигини ошириш имкониятлари.
29	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида халқаро стандартлар асосида озик - овқат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш йўллари.
30	Рақобат шароитида саноат корхоналари маҳсулотнинг сифатини бошқариш ва стандартлаш масалалари
31	Рақобат шароитида саноат корхоналари рентабеллигини оширишнинг асосий омиллари.
32	Рақобат шароитида саноат корхоналарида моддий ресурслар тежамкорлигини таъминлаш зарурияти
33	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона инвестицион фаолиятини яхшилаш йўллари.
34	Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида саноат корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш ва такомиллаштириш йўллари.
35	Саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги ва уни ошириш йўллари.
36	Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини таъминлаш.
37	Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида солиқ юкини камайтириш асосида. саноат корхоналари самарадорлигини ошириш
38	Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида саноат корхоналарида кадрлар сиёсати ва иш ҳақи тўлаш тизими самарадорлигини ошириш.
39	Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида саноат корхоналари ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари.
40	Рақобатчилик шароитида корхонанинг асосий воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашнинг зарурияти.
41	Саноат корхоналарини модернизациялаш шароитида лизинг тизимидан фойдаланишнинг аҳамияти ва уни кенгайтириш йўллари.
42	Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида корхонанинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш асослари
43	Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятлари.
44	Рақобат шароитида саноат корхоналарида айланма маблағлардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари.
45	Рақобат шароитида саноат корхоналари ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш.
46	Мамлакат рақобатбардошлигини таъминлаш шароитида импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги.

47	Иқтисодиётнинг юқори даражада ривожланишни таъминлаш шароитида саноат корхоналарида маҳсулот таннархни камайтириш йўналишлари
48	Саноат корхоналарида фойдани шакллантириш ва ундан самарали фойдаланишнинг йўллари .
49	Иқтисодиётнинг юқори даражада ривожланишини таъминлаш шароитида саноат корхоналари рентабеллигини ошириш йўллари.
50	Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида корхонанинг баҳо сиёсати
51	Иқтисодий ривожланишни таъминлаш шароитида корхона меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш масалалари.
52	Иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштирилиши шароитида Ўзбекистон Республикасида саноатни ривожлантириш истиқболлари.
53	Рақобатдошликнинг кучайиши шароитда корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш йўллари ва ривожлантириш тadbирлари.
54	Иқтисодий ривожланиш самарадорлигини таъминлаш шароитида саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш имкониятлари ва йўллари.
55	Саноат корхоналари маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятларини ошириш йўллари
56	Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида саноат тармоқларида тadbиркорлик фаолиятини ривожлантиришда мотивациявий омиллардан фойдаланиш
57	Рақобатдошликни оширишни таъминлаш шароитида саноат корхоналарида экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни сертификатлаш тизимини такомиллаштириш йўллари
58	Иқтисодий ривожланишни таъминлаш шароитида саноат корхоналари ресурслари таҳлили.
59	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида саноат корхоналарида молиявий ресурслар таҳлили
60	Иқтисодий ривожланишни таъминлаш шароитида саноат корхоналарида молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш йўллари
61	Иқтисодий ривожланишни таъминлаш шароитида саноат корхоналари ресурслари самарадорлигини ошириш йўллари
62	Иқтисодий ривожланишни таъминлаш шароитида саноат корхоналарида айланма маблағлар самарадорлигини ошириш йўллари
63	Иқтисодий ривожланишни таъминлаш шароитида саноат корхоналари асосий фондларидан самарали фойдаланиш йўллари.
64	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида саноат корхоналарида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш
65	Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида саноат корхоналарида меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш
66	Рақобатнинг кучайиши шароитда саноат корхоналарида меҳнат

	унумдорлигини ошириш йўллари
67	Саноат корхоналарида меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш имкониятлари
68	Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида саноат корхоналарида нарх сиёсати ва уни шаклланиши
69	Рақобатнинг кучайиши шароитида саноат корхоналарида нарх ва нархлаштириш
70	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида саноат корхоналарида маҳсулот нархининг шаклланиши ва унинг иқтисодий моҳияти.
71	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида нархнинг ташкил топиш механизми.
72	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини тежаш йўллари
73	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида саноат корхоналарида маҳсулотларни сотиш харажатларини тежаш йўллари
74	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида саноат корхоналарида маҳсулотларни сотиш харажатларини таҳлил қилиш ва режалаштириш
75	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида саноат корхоналари ўз маблағлари ва уларни кўпайтириш йўллари
76	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида саноат корхоналари даромади ва уни кўпайтириш йўллари режалаштирилиши
77	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида саноат корхоналарида рентабелликни ошириш йўллари
78	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида саноат корхоналарида фойданинг шаклланиши ва ишлатилиши
79	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш истиқболлари
80	Мамлакат иқтисодиётини барқарор ва динамик ривожлантиришда саноат ишлаб чиқариши соҳасининг ролини ошириш
81	Саноат ишлаб чиқариши соҳасининг аҳоли бандлигини таъминлашдаги аҳамияти
82	Саноат ишлаб чиқариши соҳасининг аҳоли даромадларини оширишдаги ўрни
83	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналари инфратузилмасини ривожлантириш истиқболлари
84	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхонаси моддий техника базаси ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари
85	Саноат корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ошириш йўллари
86	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида

	саноат корхоналари асосий фондларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари.
87	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида асосий фондларни режалаштириш
88	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида асосий фондлардан фойдаланишнинг асосий техник кўрсаткичларини таҳлил килиш ва уни яхшилаш йўллари.
89	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида саноат корхоналарининг хом ашё манбалари билан таъминланганлигини таҳлил килиш.
90	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичларини аниклаш усуллари ва уларнинг айланишини тезлаштириш йўллари.
91	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги ва унинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги аҳамияти
92	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида молиявий ресурслар таъминоти шакллари ва усуллари
93	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида саноат корхоналарида ўзини-ўзи молиялаштириш ва ўз-ўзини қоплаш жараёнини бошқариш.
94	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш .
95	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида дебиторлик ва кредиторлик қарзларни бошқариш.
96	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида саноат корхоналари фойдаси, унинг шаклланиши ва ишлатилиши.
97	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш.
98	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон саноат тармоқларида инвестиция сиёсатининг такомиллашуви.
99	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида инвестиция лойиҳаларни амалга оширишни ташкил этиш.
100	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида инвестицион лойиҳаларни таҳлил этиш ва самарадорлигини аниқлаш.
101	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарига инвестицияларни жалб этиш ва улардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги.
102	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарига инвестициялар киритиш ва уларни самарадорлигини аниқлаш.
103	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарига чет эл инвестицияларини жалб этишни таҳлил килиш.
104	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат тармоқларида инвестицион муҳитни яхшилаш омиллари.

105	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарига хорижий инвестицияларни жалб этиш йўналишлари.
106	Мамлакат рақобатдошлигини таъминлаш шароитида хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва уларни самарали ривожлантириш йўллари.
107	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида инновацияни рағбатлантиришнинг механизмлари.
108	Саноат корхоналари фаолиятида хавф-хатарлар ва уларни камайитириш йўллари.
109	Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида корхонанинг тижорат сири ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш.
110	Иқтисодий рақобат шароитида саноат корхоналарида ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашда суғурта механизмининг роли.
111	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида саноат корхонасининг банкротлиги ва унинг олдини олиш йўллари.
112	Рақобатдошлик шароитида саноат корхоналарида иқтисодий ночорликнинг олдини олиш ва инқирозга қарши кураш чора-тадбирлари
113	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхонаси рақобатбардошлигини ошириш йўллари

Талабанинг танлаган курс иши мавзуси, келгусида битирув малакавий иши учун ҳам асосий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

IV. КУРС ИШЛАРИНИНГ АЙРИМ МАВЗУЛАРИ БЎЙИЧА ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН НАМУНАВИЙ РЕЖАЛАР

Мавзу: Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхонаси рақобатбардошлигини ошириш йўллари

Режа:

Кириш

1. Рақобат тушунчаси ва унинг моҳияти
2. Рақобатбардошликнинг кўрсаткичлар тизими
3. Корхонани ишлаб чиқариш рақобатбардошлиги
4. Корхонани рақобатбардошлигига таъсир кўрсатувчи омиллар
5. Корхона рақобатбардошлигини ошириш йўллари

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

Мавзу: Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида саноат корхоналари харажатларининг самарадорлигини ошириш йўллари.

Режа:

Кириш

1. Харажатларнинг моҳияти ва уларнинг корхона фаолиятидаги аҳамияти
2. Корхона харажатларининг тавсифи ва таснифи
3. Корхона ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили.
4. Давр ва бошқа турдаги харажатларнинг таҳлили
5. Корхона харажатлари даражасига таъсир қилувчи омиллар таҳлили
6. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида корхона харажатларини тежаш ва улар самарадорлигини ошириш йўллари
Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

V. КУРС ИШНИ БАЖАРИШГА РАЎБАРЛИК ҚИЛИШ

Курс ишининг муваффақиятли бажарилишида, унинг раҳбари муҳим рол ўйнайди. У кафедра профессор-ўқитувчилари таркибидан тайинланади. Иш раҳбари уни тайёрлашда талабага асосий ва қўшимча адабиётларни танлаш, улар ичидан энг муҳимларини ажратиш, режа тузиш ва танланган мавзунини тўла очиб бериш учун нималарга диққат қаратиш кераклиги ҳақида маслаҳат беради.

Курс ишининг тузилиши, режада қўриладиган саволлар тартиби ишга раҳбарлик қилаётган ўқитувчининг розилиги билан амалга оширилади.

Курс иши раҳбарининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- курс иши бўйича топшириқ бериш (2-иловага қаралсин);
- талабага курс иши тузилиши ва режасини ишлаб чиқишда ёрдам бериш;
- талабага мавзу бўйича асосий ва қўшимча адабиётларни, маълумотномаларни танлашда ёрдам бериш;

- талаба билан биргаликда тадқиқот объекти ва доирасини, объект фаолиятини ўрганиш, маълумотлар йиғиш ва уларни таҳлил қилиш усуллари аниқлаш.

- талаба ташаббусини турли йўллар билан ривожлантириши, уни мустақил илмий тадқиқот ишини амалга оширишига ёрдам бериш.

Раҳбар томонидан курс иши ёзиш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш кафедра томонидан тасдиқланган муддатларда ўтказилади.

Раҳбар, унга тақдим қилинган курс ишининг дастлабки (хомаки) нусхасини текшириб, ўз мулоҳазаларини билдиради ва ишни қайси йўналишда ўзгартириш ва тўлдириш кераклиги тўғрисида маслаҳат беради.

Ёзиб тугатилган курс иши белгиланган муддатда илмий раҳбарга топширилади. У ишни текшириб чиқади ва ўзининг ёзма тақризида уни ҳимояга рухсат бериш тўғрисида фикрини баён қилади.

Раҳбар курс ишини ҳимояга қўйиш мумкин эмас деган фикр билдирган ҳолатда, бу масала кафедра йиғилишида раҳбар ва курс иши муаллифининг иштирокида ҳал қилинади.

VI. КУРС ИШИНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР

Курс ишини сифатли бажаришнинг муҳим шартларидан бири танлаб олинган мавзу бўйича мавжуд махсус адабиётларни чуқур ўрганиш ҳисобланади. Бунда асосий эътиборни биринчи навбатда фойдаланилаётган адабиётнинг курс иши билан тўғридан тўғри боғлиқ бўлган параграфларга қаратиш керак бўлади.

Курс ишининг адабий тилда равон ёзилиши, жумла ва гаплар аниқ ифодаланиши, улар ўзаро боғлиқ бўлиши ва бир-бирини тўлдириб туриши, грамматик хатоларсиз бажарилиши талаб этилади. Иш матнида келтирилаётган статистик маълумотлар фақатгина безак вазифасини ўтаб қолмасдан, хулосалар чиқариш ва уларнинг исботи учун хизмат қилиши лозим. Ишда келтирилган барча далиллар ва маълумотларнинг аниқлиги ва ҳақиқийлиги учун унинг муаллифи жавобгардир.

Иш матнида турли хил манбалардан келтирилган далиллар, статистик маълумотлар, турли муаллифларнинг фикрларидан парчалар мумкин қадар қисқа, грамматик нуқтаи назардан тўғри тузилган ва илмий-маълумотли аппарат билан таъминланган бўлиши керак.

Курс иши матнида бирор-бир муаллифнинг фикри келтирилса, жумлалар ўзгартирилмайди, қандай бўлса шундай кўчирилади ва қўштирноқ ичига олинади, Манба номи саҳифанинг энг тагига рақамланган ҳолда изох (сноска) сифатида кўрсатилади. Унда ҳавола қилинган манба муаллифи, китоб ёки мақоланинг номи ва нашр қилинган йили, нашриётнинг номлари келтирилади.

Махсус адабиётлардан оқилона фойдаланилиши талабага қўйиладиган баҳо мезонини оширишга хизмат қилади. Курс ишини ёзишнинг мажбурий шарти бўлиб, айтилган хулосаларни асослаб беришдир.

Курс ишини бажариш учун керакли амалий маълумотларни йиғишда тадқиқот объектининг ҳисоботларидан, илмий-амалий анжуманлар материалларидан, социологик анкета сўров маълумотларидан фойдаланилади. Турли кўрсаткичларнинг динамикасини таҳлил қилиш учун камида 3 йиллик маълумотларни йиғиш талаб қилинади.

Йиғилган маълумотларни алоҳида параграфлар бўйича тақсимлаш ва шундан кейингина уларни ҳар бир параграф мақсади ва вазифаларига мос равишда қайта ишлашга киришиш мақсадга мувофиқдир.

VII. КУРС ИШINI РАСМИЙЛАШТИРИШГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР

Курс иши бўлим (параграф)ларининг номи қисқача, айти пайтда, мавзу мазмунига мос тушиши ва иш матнида симметрия равишда бош ҳарфлар билан ёзилиши лозим.

Ишнинг кириш қисми 3-4 бетни ташкил қилади. Унда танлаб олинган мавзунинг долзарблиги асосланади, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, назарий ва методологик асослари ёритиб берилади.

Асосий қисм 5-6 параграфдан иборат бўлиши ва курс иши умумий хажмининг тахминан 80-85% ни ташкил қилиши мақсадга мувофиқдир. Бу қисмда мавзунинг асосий назарий ва методик масалалари кўриб чиқилади, статистик маълумотлар таҳлили натижалари ёритилади, ўрганилаётган иқтисодий жараёнларнинг ривожланиш йўналишлари ва қонуниятлари аниқланади, уларга таъсир қилувчи омиллар ўрганилади ҳамда ўрганилаётган иқтисодий жараёнларни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилади.

Курс иши матнида мавзуни очиқ бериш билан боғлиқ бўлган ва тўғри тузилган жадваллар, графиклар, расмлар, диаграммалар ва бошқа иллюстратив материаллар келтирилиши лозим.

Курс ишидаги барча графиклар, расмлар, диаграммалар ва ҳоказолар ўз номига эга бўлиши ва унинг юқори ёки паст қисмига ёзилиши керак.

Иш режасидаги масалаларни ёритиш жараёнида талаба олган назарий билимларини Ўзбекистон Республикаси олдида турган амалий масалалар билан ўзаро боғлай олиш қобилиятини кўрсата билиши лозим. Бунда мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохатлар натижаларини умумлаштириш, мавжуд камчиликларни ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлай олиш муҳим ўрин эгаллайди.

Курс ишида тадқиқот элементлари ва талабанинг мустақил иқтисодий фикрлай олишлари намоён бўлади. Ишда иқтисодий категорияларни ва қонунларни нотўғри тушуниш ёки яхши тушунмаслик сабабли хато-камчиликларга йўл қўйилган бўлиши мумкин. Уларни бартараф этишда талабага раҳбарнинг маслаҳати катта ёрдам беради.

Талабадан курс ишида фанда янгилик ёки илмий қоида яратиш талаб этилмайди.

Ишнинг хулоса ва таклифлар қисми 3-4 бетдан иборат бўлиб, унда талаба тадқиқотнинг асосий хулосаларини ёритади ва илмий-амалий аҳамиятга молик таклифларини қайд этади. Мавзу бўйича чиқарилаётган асосий хулосалар ишнинг қадр-қийматини оширади ва талабанинг мавзуни

чукур ўзлаштирганидан, унинг яхши билимга эга бўлганлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида ишни ёзиш давомида фойдаланилган манбалар рўйхати келтирилади. Унда курс ишини ёзишда талаба томонидан ўрганилган барча адабиётлар, журнал ва газеталарда берилган мақолалар, монография, статистик тўплам ва бошқалар тўла равишда муаллифнинг исми-шарифи, асар ёки мақола ва бошқаларнинг номи, нашриёт номи, нашр қилинган йили кўрсатилган бўлиши лозим.

Ишни бажариш жараёнида Ўзбекистон Республика Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорларидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Фармойишларидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирликлари буўруқлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган меъёрий ҳужжатлардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларидан ҳамда махсус иқтисодий адабиётлардан фойланилади.

Фойдаланилган адабиётлар қуйидаги тартибда берилиши лозим:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Фармойишлари.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирликлари буўруқлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган меъёрий ҳужжатлар.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.
7. Илмий адабиётлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва бошқа адабиётлар (алфавит тартибига кўра).
8. Статистик тўплам материаллари, корхона ҳужжатлари ва материаллари.

Ишнинг асосий матнини ўқишни қийинлаштириши мумкин бўлган жадваллар, графиклар, ҳужжатлар нусхалари, диаграммалар иловаларда келтирилади.

Курс иши A4 (210*297) форматли оқ варақнинг бир томонига 1,5 интервал орқали ёзилади ва уни ёзишда қуйидаги ҳошиялар ўлчамига риоя қилиш лозим:

- чап ҳошия – 30 мм.
- ўнг ҳошия – 15 мм.
- пастки ҳошия – 20 мм.
- юқори ҳошия – 20 мм.

Курс ишини рақамлаш титул варағидан охиригача ҳамма варақларни ўз ичига олиши лозим. Титул варағи биринчи бет ҳисобланади ва унга рақам қўйилмайди (3-иловага қаралсин).

VIII. КУРС ИШИ ҲИМОЯСИ

Курс иши ҳимояси “Иқтисодиёт” кафедрасига бириктирилган “Магистрлик диссертациялари, битирув малакавий ишлари ва курс ишларини тайёрлаш хонаси”да ҳайъат аъзолари ҳузурида амалга оширилади.

Талаба 10-15 дақиқа давомида курс ишининг мақсади, вазифалари, мазмуни ҳамда ўз тавсиялари ва таклифлари тўғрисида ахборот беради. Шундан сўнг талаба ҳайъат аъзоларининг курс иши мавзусига оид бўлган саволларига жавоб беради. Курс ишининг даражаси талабанинг илмий-назарий тайёргарлигининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Курс иши баҳоси ҳайъат аъзолари томонидан илмий раҳбар тақризи ва талаба жавоблари асосида белгиланади.

Курс иши ҳимоясининг натижаси 100 балли тизимда баҳоланади («аъло», «яхши», «қониқарли»). Ҳимоя натижасини баҳолашда қуйидагиларга эътиборга олинади:

- ишнинг тўғри расмийлаштирилгани;
- режада белгиланган мақсад ва вазифаларга қай даражада эришилгани;
- мавзунинг тўлиқ очиб берилганлиги;
- иш натижаларининг назарий-услубий ва амалий аҳамияти;
- ҳимоя жараёнида қилинган маърузанинг сифати (тарқатма материаллар, кўргазмали воситалар ва тақдимот слайдларидан қай даражада фойдаланилгани);

- химоя жараёнида талабага берилган саволларга жавоблар мазмуни каби бир қатор мезонларга аҳамият берилади.

Юқорида келтирилган мезонлар асосида иш химоясининг натижаси қуйидагича баҳоланади:

- 0-54 балл – “қоникарсиз”;
- 55-70 балл – “қоникарли”;
- 71-85 балл - “яхши”;
- 86-100 балл - “аъло”.

Курс иши мазмуни ва унинг химояси натижаларини баҳолашда максимал 100 балл қуйидагича тақсимланади:

№	БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ	Максимал балл
1.	Курс ишининг тўғри расмийлаштирилишига	5
2.	Курс иши мазмунининг белгиланган мақсад ва вазифаларга ҳамда режага мувофиқ келишига	5
3.	Ҳар бир саволнинг моҳияти мантиқан тўғри очиб берилишига	10
4.	Талаба курс ишини тайёрлашда оператив, молиявий ва статистик ҳисоботлар маълумотларидан самарали фойдаланганига	10
5.	Курс иши чуқур иқтисодий таҳлилга таяниб амалга оширилгани ва унда иқтисодий самарадорликни ифода этувчи кўрсаткичлар тизимидан унумли фойдаланилганига	10
6.	Талаба курс ишида мустақил фикрлаш қобилиятини намоён этгани, мавзуга оид масалаларга салбий таъсир кўрсатаётган асосий камчиликларни очиб берганига	15
7.	Талаба курс ишида ижодий фикрлаш қобилиятини намоён этгани, камчиликларни бартараф этиш йўллари ва такомиллаштириш йўналишлари бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиққанига	15
8.	Курс иши химояси кўргазмали воситалар (слайдлар, тарқатма материаллар) ва замонавий педагогик технологиялар асосида амалга оширилганига	5
9.	Курс иши химояси бўйича талабанинг марузаси курс ишида эришилган асосий натижаларни тўлиқ қамраб олганлиги ва улар аниқ рақамлар ҳамда хулоса ва таклифлар орқали очиб берилганига	15
10.	Курс иши химояси бўйича берилган саволларга аниқ ва мазмунли жавоб берганлигига	10
	ЖАМИ	100

Курс иши химоясининг натижаси (қўйилган баҳо) Хайъат раиси томонидан эълон қилинади.

1-илова
НАМУНА

“Иқтисодиёт” кафедраси мудири
_____ **га**
“Иқтисодиёт” таълим йўналиши
3-курс, ИК-_____ гуруҳ талабаси
_____ **дан**

АРИЗА

Менга “_____” мавзуси
бўйича курс иши ёзишга рухсат беришингизни сўрайман.

Курс иши “_____” корхонаси
маълумотлари асосида бажарилади.

Сана

Талабанинг имзоси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
«ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Кафедра мудири _____

“__” _____ 20__ йил

«Иқтисодиёт ва менежмент» факультетининг «Иқтисодиёт» таълим йўналиши Ик-
_____ гуруҳ талабаси _____ га

КУРС ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

1. Курс иши мавзуси: _____

2. Курс иши бўйича бирламчи маълумотлар: Ўзбекистон Республикаси
Президенти Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва
Фармойишлари, мавзуга оид дарсликлар, ўқув қўлланмалар, маъруза матнлари,
интернет сайтлари ҳамда статистик маълумотлар.

3. Курс иши режаси ва бажарилиш муддатлари:

№	Курс иши бўлимлари номи	Бажарилиш муддатлари (намуна)
	Кириш	01.11-05.11.2014
1	1-савол	06.11-15.11.2014
2	2-савол	16.11-25.11.2014
3	3-савол	26.11-30.11.2014
4	4- савол	01.12.-10.12.2014
5	5- савол	11.12.-20.12.2014
	Хулоса ва таклифлар	21.12-25.12.2014
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	21.12-25.12.2014
	Иловалар	21.12-25.12.2014

Топшириқ берилган сана: “__” _____ 20__ йил

Тугаган курс ишини топшириш муддати: “__” _____ 20__ йил

Курс иши раҳбари:

имзо

Ф.И.Ш.

Топшириқни олдим:

имзо

Ф.И.Ш.

3-илова

НАМУНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ” ФАКУЛЬТЕТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

“Корхона иқтисодиёти” фанидан

_____ **мавзусидаги**

КУРС ИШИ

Бажарди: Ик-____ гуруҳ талабаси

Иш раҳбари: _____

САМАРҚАНД– 20_____

СамИСИ ўқув-услугий кенгашининг 2014 йил 26 сентябрь 2-сонли баённомаси билан нашриётда чоп этишга тавсия қилинган.

**«КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ»
фанидан курс ишларини бажариш бўйича услубий
К Ў Р С А Т М А**

Буюртма рақами № 121

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
босмахонаси, Шохрух кўчаси, 60. Ҳажми 1,5 б.т.,
адади 50 нусха**